

ИХТИСОСЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИ РИВОЖЛАНИШИННИГ КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Даuletназарова Зулфия Арсланбай қизи

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби тингловчиси

Ихтисослашув жараёнларининг ривожланиши – бу иқтисодиётнинг қайси тармоғида күпроқ иқтисодий ресурслар түппланмоқда; бу қандай қучлар таъсири остида рўй бермоқда; қайси тармоқлар кенгаймоқда, қайсиларида стагнация, қайси биларида эса қисқариш рўй бермоқда деган саволларга жавобни намоён этувчи жараён ҳисобланади. Кичик бизнес корхоналаридаги ишлаб чиқариш жараёнлари ихтисослашувининг ривожланиши ўз навбатида улар фаолиятининг самарадорлигига таъсир кўрсатади. Мазкур таъсирни ўрганиш ва баҳолаш учун кичик тадбиркорлик фаолияти самарадорлигининг умумий жиҳатларига тўхталиб ўтиш лозим.

Кўрсаткичларнинг биринчи тури – бу кичик бизнес фаолиятининг мутлақ кўрсаткичлари ёки унинг фаолияти натижадорлиги. Улар кичик бизнеснинг қандайдир вақт оралиғидаги мутлақ миқдорларда ифодаланган фаолиятининг натижасини кўрсатади. Масалан:

- ишлаб чиқарилган ёки сотилган маҳсулот ҳажми;
- маҳсулот ишлаб чиқариш ёки сотишдан олинган фойданинг турли кўринишлари;
- иш фаолиятида банд бўлган ходимлар сони ва уларнинг меҳнатига ҳақ тўлашга сарфлар;
- маҳсулот таннархи;
- киритилган инвестициялар ҳажми;
- корхонанинг ижарага, маҳсулот транспортировкасига ва бошқаларга сарф-харажатлари.

Бундан кўринадики, кичик бизнес фаолиятининг мутлақ кўрсаткичларини ўз мазмунига кўра икки асосий гурухга ажратиш мумкин:

- 1) иқтисодий ресурс турлари сарфи;
- 2) иқтисодий фаолият натижалари.

Юқорида қайд этиб ўтилган кўрсаткичлар турли бизнес фаолиятларида турлича аҳамият қасб этиши мумкин. Масалан, ишлаб чиқариш аҳамиятидаги бизнес билан савдо-тижорат ва хизмат кўрсатиш бизнеси кўрсаткичлари

мазмунан бир-биридан фарқ қиласи. Шунга кўра ҳар бир кичик бизнес корхонаси томонидан ўзи учун муҳим бўлган бир неча (2-4 та) кўрсаткичларни ажратиб олиш ва доимий равишда назорат қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Кичик бизнес фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги – бу ишлаб чиқариш фаолияти натижаларининг мазкур натижаларга эришиш харажатларига нисбатидир, яъни:

Самарадорлик = Натижа / Харажатлар

Ҳар қандай ҳолда ҳам самарадорлик нисбий кўрсаткич бўлиб, куйидагиларни мисол сифатида кўрсатиш мумкин:

- кичик бизнес корхонасининг битта ишловчисига тўғри келувчи ишлаб чиқарилган ёки сотилган маҳсулот ҳажми;
- кичик бизнес корхонаси ишлаб чиқариш ёки савдо майдони бир бирлигига тўғри келувчи ишлаб чиқарилган ёки сотилган маҳсулот ҳажми;
- кичик бизнес корхонасининг битта ишловчисига тўғри келувчи ишлаб чиқарилган ёки сотилган маҳсулотдан олинган фойда турлари;
- кичик бизнес корхонаси ишлаб чиқариш ёки савдо майдони бир бирлигига тўғри келувчи ишлаб чиқарилган ёки сотилган маҳсулотдан олинган фойда турлари;
- бизнес фаолиятига киритилган инвестициядан олинган фойда;
- маҳсулот бирлигини сотишга қилинган реклама қиймати ва бошқ.

Кичик бизнес фаолияти мутлақ кўрсаткичлари бизнес фаолиятининг умуман миқёслилигини ифодалайди. Кичик бизнес фаолияти самарадорлигининг нисбий кўрсаткичлари эса мазкур натижага қандай сарф-харажатлар эвазига эришилганини кўрсатади.

Агар бизнес фаолиятининг ўсиши унинг самарадорлиги ошиши билан бирга бормаса (экстенсив ўсиш), у ҳолда умумий ҳолда мазкур фаолият сифатининг пасаётганлигини кўрсатади. Бундай ўсиш турида бизнес фаолияти катта рискка дучор бўлади.

Агар бизнес фаолиятининг ўсиши билан унинг самарадорлиги ошиб борса (интенсив, сифат ўсиши), у ҳолда бизнесни ташкил қилиш даражаси ҳам, ишлаб чиқариш жараёнлари сифати ҳам, бизнесни бошқариш сифати ҳам ўсади.

Демак, юқоридагилардан қўринадики, бизнес фаолиятида ҳар қандай сарф-харажат билан эришилган эмас, балки энг кам харажатлар орқали эришилган натижа муҳим ҳисобланади.

Кичик бизнес корхонаси қарор топиш босқичидан ўтиши билан унинг фаолият самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Акс ҳолда, кичик бизнес корхонаси тез орада банкротликка юз тутиши мумкин.

“Қозоғистон Республикасида кичик бизнеснинг ривожланиш самарадорлиги тўғрисида сўз борганда, таъкидлаш лозимки, республика иқтисодиёти ишлаб чиқариш секторининг кўплаб соҳалари ташаббускор вакилларни жалб этиш учун ўзини истиқболли ва барқарор соҳа сифатида намоён эта олмади.

Кичик корхоналар ўз хусусиятлари ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда фаолиятларини устун равища товар ва хизматлар бозорининг маҳаллий тор ихтисослашган сегментларига йўналтирадилар. Улар йирик ва ўрта корхоналарда юқори қўшимча сарф-харажатлар ёки тез ўзгарувчан истеъмол афзалликлари сабабли ишлаб чиқариш иқтисодий жиҳатдан манфаатсиз бўлган товарларни ишлаб чиқариш орқали маҳсус бозор соҳаларини эгаллайдилар. Кичик корхоналар ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали маҳаллий молиявий, меҳнат ва бошқа ресурсларни ҳаракатга келтириб, маҳаллий иқтисодиётнинг жонланишига имкон яратадилар.

Кичик бизнеснинг ривожланишида янги импульс бўлиб йирик корхоналар билан кооперациялашган ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш ҳамда кичик бизнес секторини тармоқ жиҳатдан диверсификациялаш майдонга тушиши мумкин. Айнан шу ўзгаришлар кичик корхоналарга бозор конъюнктурасининг ўзгаришига тезлик билан жавоб қайтариш, инвестицияларни жадаллик билан ўзлаштириш қобилияти, капиталнинг юқори айланиш тезлиги ва инновацион фаолият каби ўзига хос хусусиятларининг сифат жиҳатидан янги даражасида тўлиқ ўзини кўрсатиш имконини беради.

Иқтисодиётда кичик бизнеснинг улуши жуда юқори бўлган мамлакатлар билан таққослагандага Россияда кичик корхоналарнинг салоҳияти етарли даражада ривожланманган. Шунинг учун давлат мазкур ҳолатни инқироздан олиб чиқиш мақсадида муайян хатти-ҳаракатларни амалга ошириди. 2015 йилдан бошлаб хўжалик юритувчи субъектларни кичик бизнес корхоналари тоифасига киритиш шартлари ўзгарди. Тадбиркорлик фаолияти давомида олинган даромадларнинг чегаравий қийматларини 2 баравар ошириш рўй берди. Шунингдек, ташкилот устав капиталининг умумий ҳажмидаги хорижий капитал миқёсига чеклов киритилди. Ушбу чора-тадбирлар кичик

тадбиркорлик бозори сегментини кенгайтиришга олиб келди ва иқтисодиёт мазкур секторини ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди.

Бозор муносабатлари шароитида бизнеснинг мазкур тоифаси фаолиятининг асосий мақсади бўлиб фойда ҳисобланар экан, мазкур кўрсаткич асосида иқтисодий самарадорлини ҳисоблаш мумкин. Иқтисодий самарадорликнинг асосий мезони сифатида рақобатдош маҳсулот яратиш ва меҳнат сифатининг юқори кўрсаткичларида капитал (ресурслар) сарфи бирлигига кўпроқ фойда олиш майдонга тушади.

Максимал фойдага эришиш, корхонанинг кучли ва кучсиз томонларини аниқлаш, унинг фаолиятини такомиллаштириш йўлларини топиш иқтисодий самарадорликни тадқиқ этишнинг асосий мақсади бўлиб ҳисобланади.

Корхоналар, шу жумладан, кичик бизнес корхоналари иқтисодий самарадорлигини баҳолаш тизимида қўлланиувчи иккита асосий методологик ёндашув мавжуд: потенциал ва сарф-харажатга оид.

Иқтисодий самарадорликни ошириш корхона фаолиятига кўп томонлама, тўлақонли таъсир кўрсатади. Корхона барқарор иқтисодий ўсишга, фойданинг кўпайишига ва пировардида кескин рақобат курашида яшаб қолиш қобилиятига эга бўлади.

Фойдаланилган адабиёлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, бюджет, базавий инфратузилма ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун ташқи ёрдам маблағларини жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4691-сонли қарори